

**Асосий иқтисодий  
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	77750,6	108,3
Саноат маҳсулоти	41655,9	106,3
Истеъмол товарлари	14926,3	111,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	19633,6	106,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	18291,3	107,9
Қурилиш ишлари	9438,1	108,5
Юк айланмаси, млрд. тн–км	80,9	106,8
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	82,4	107,8
Чакана товар айланмаси	28357,0	116,4
Пуллик хизматлар	10557,3	116,1
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	25537,1	115,0
Экспорт	15027,2	115,4
Импорт	10509,9	114,5


## Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш








2011 йилнинг январ–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, дастлабки маълумотларга кўра, 77750,6 млрд.сўмни ташкил қилди ва 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 8,3 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 82,5 фоизи (2010 йилнинг январ–декабрида 81,8 фоизи) иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 17,5 фоизи (18,2 фоизи) давлат секторида ишлаб чиқарилди.

Январ–декабрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:


яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



-  Давлат мулки
-  Нодавлат мулки
-  Фукаралар хусусий мулки
-  Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
-  Хўжалик бирлашмалари мулки
-  Қўшма корхоналар мулки
-  Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



### Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 523,4 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 491,8 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,0 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,8 фоизи), қишлоқ хўжалиги (21,0 фоизи), саноат (13,1 фоизи) ва қурилиш (7,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>298,9</b>	<b>100,0</b>	<b>269,8</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
саноат	39,2	13,1	34,4	12,7
қурилиш	22,3	7,4	18,9	7,0
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	62,7	21,0	60,2	22,3
транспорт ва алоқа	10,3	3,5	9,1	3,4

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	20,2	6,8	18,0	6,7
савдо ва умумий овқатланиш аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	77,3	25,8	65,1	24,1
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	4,0	1,3	3,5	1,3
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	10,6	3,6	10,1	3,8
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	21,5	7,2	21,0	7,8
	30,7	10,3	29,5	10,9


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,5 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 50,8 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,6 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 20,2 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.






Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январ ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида

2011 й.

2012 й.



-  Давлат мулки
-  Хусусий корхоналар мулки
-  Фермер ва деҳқон хўжаликлари
-  Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
-  Бошқа мулкчилик шакллари

2011 йилнинг январ–декабрида жами 40,8 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 16,5 фоизи), Қашқадарё (14,2 фоизи), Фарғона (8,5 фоизи), Тошкент (8,8 фоиз) ва Самарқанд (6,7 фоиз) вилоятларига тўғри келади.


Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 28,9 фоизи қишлоқ хўжалиги, 22,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 18,9 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 25,0 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 6,7 мингтаси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 32,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 22,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 14,4 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2011 йилнинг январ–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури доирасида амалга оширилган чоралар 2011 йилнинг январ–декабрида

35,0 минг янги кичик бизнес корхоналари (фермер хўжаликларисиз) ташкил этилишини таъминлади.

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМдаги улуши 54,0 фоизни ташкил этди, ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 1,5 фоизга кўпдир. 2011 йилнинг январ–декабрида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 33,7 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди (2010 йилнинг январ–декабрида –32,7 фоизи).

2011 йилнинг январ–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

8913,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,8 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6575,1 минг нафари индивидуал сектор, 2338,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8742,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 21,0 фоизи) ташкил қилди ва 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 123,3 фоизга ўсди;

5788,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 31,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 117,5 фоизни ташкил қилди;

6513,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,0 фоизи) бажарилди ва 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 138,9 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспортида юк айланмаси 8,2 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 77,9 фоизи), йўловчи айланмаси 10,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 86,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 47,0 фоизи ёки 13295,0 млрд.сўми (ўсиш 8,4 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 46,4 фоизи ёки 4893,9 млрд. сўми (ўсиш 14,1 фоиз) шакллантирилди;

2827,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 18,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 158,6 фоиз), 3934,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 37,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди (2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 119,7 фоиз).


2011 йилнинг январ–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	8742,7	33,1
Қишлоқ хўжалиги	19211,7	100,0
Қурилиш	6513,8	71,6
Чакана савдо	13295,0	70,0
Пуллик хизматлар	4893,9	92,1
Юк ташиш, млн.тн	483,3	76,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	5077,4	95,2
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2827,6	3,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	3934,6	16,3

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8204,4 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 92,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, ҳисобот даврида 95 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сони Тошкент шаҳрига (55 та объект), Фарғона (8 та объект), Тошкент (7 та объект), Наманган ва Сирдарё (5 тадан объект), Навоий ва Қашқадарё (4 тадан объект) вилоятларига тўғри келди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади – 83 та объект.

2011 йилнинг январ–декабрида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 39,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 58,2 фоизи), Фарғона (12,5 фоиз), Наманган (9,6 фоиз), Тошкент (8,0 фоиз) вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,8 фоиз) тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2011 йилнинг январ–декабрида ташқи савдо айланмаси 25537,1 млн. АҚШ долларини, жумладан МДҲ давлатлари билан 11110,1 млн. АҚШ долларини, бошқа мамлакатлар билан 14427,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмида 15027,2 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 10509,9 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 143,0 фоизни (ўтган йилнинг январ–декабрида 141,9 фоизни) ташкил қилди.

Ижобий ташқи савдо қолдиғи 4517,3 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 2330,1 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан 2187,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


2011 йилнинг январ–декабрида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	2010й. январ– декабрига нис- батан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	25537,1	115,0
МДҲ мамлакатлари	11110,1	118,6

	млн. АҚШ доллари	2010й. январ– декабрга нис- батан фоиз ҳисобида
бошқа давлатлар	14427,0	112,4
Экспорт	15027,2	115,4
МДҲ мамлакатлари	6720,1	119,0
бошқа давлатлар	8307,1	112,6
Импорт	10509,9	114,5
МДҲ мамлакатлари	4390,0	118,0
бошқа давлатлар	6119,9	112,2
Қолдиқ	4517,3	х
МДҲ мамлакатлари	2330,1	х
бошқа давлатлар	2187,2	х

Январ–декабрда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг  
ўзгариш динамикаси**

	таркиби, % ҳисобида	
	2011й. январ–декабр	2010й. январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт</b>	<b>100,0</b>	<b>115,4</b>
пахта толаси	9,0	85,7
озиқ–овқат маҳсулотлари	13,2	157,9
улардан истеъмол маҳсулотлари	12,8	163,2
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,6	126,8
энергия манбалари ва нефт маҳ– сулотлари	18,5	93,4
қора ва рангли металллар	7,4	124,8
машина ва ускуналар	6,7	139,6
хизматлар	11,8	132,7
бошқалар	27,8	115,9
<b>Импорт</b>	<b>100,0</b>	<b>114,5</b>
озиқ–овқат маҳсулотлари	12,4	135,0
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган истеъмол маҳсулотлари	6,6	135,0
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	13,3	110,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	8,1	129,3
қора ва рангли металллар	8,1	114,7
машина ва ускуналар	41,3	107,7
хизматлар	5,3	114,5

	таркиби, % ҳисобида	
	2011й. январ–декабр	2010й. январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
бошқалар	11,5	118,1

**Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби**

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**



2011 йилнинг январ–декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2010й. январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	26,2	108,9
Қозоғистон	10,9	147,1


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2010й. январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Хитой	10,2	118,9
Корея Республикаси	6,4	100,4
Туркия	4,7	122,8
Афғонистон	3,1	121,8
Украина	2,6	118,3
Германия	2,2	113,8
Туркменистон	1,8	168,8
Эрон	1,7	65,2
Франция	1,4	2,0м.
АҚШ	1,0	136,2
Латвия	0,8	142,1
Италия	0,7	123,8
Буюк Британия	0,7	77,7
Қирғизистон	0,6	108,5
Беларусь	0,6	112,3
Ҳиндистон	0,6	105,8
БАА	0,6	98,3
Япония	0,6	132,9
Тожикистон	0,5	93,3

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2010й. январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Швейцария	0,4	83,3
Австрия	0,4	116,7
Нидерландия	0,4	132,9
Сингапур	0,4	52,6
Бельгия	0,3	112,5
Азербайжан	0,2	83,3


2011 йилнинг январ–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

## Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар












## Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



-  Пахта толаси
-  Озиқ-овқат маҳсулотлари
-  Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
-  Энергия манбалари
-  Қора ва рангли металллар
-  Машина ва ускуналар
-  Хизматлар
-  Бошқалар

## Саноат

2011 йилнинг январ-декабрида республикада саноат маҳсулотлари

ишлаб чиқариш ҳажми 41655,9 млрд. сўмни ёки 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 106,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 14926,3 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати

111,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 6608,9 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 8317,4 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,8 фоиз ва 108,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2011 йилнинг январ–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2010 й. январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>41655,9</b>	<b>106,3</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>электроэнергетика</b>	<b>3349,3</b>	<b>101,0</b>
<b>ёқилғи саноати</b>	<b>7298,0</b>	<b>100,3</b>
<b>қора металлургия</b>	<b>1084,0</b>	<b>106,3</b>
<b>рангли металлургия</b>	<b>4324,7</b>	<b>102,4</b>
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	<b>2283,9</b>	<b>107,9</b>
<b>машинасозлик ва металлни     қайта ишлаш</b>	<b>6714,0</b>	<b>112,2</b>
<b>ёғочни қайта ишлаш     ва целлюлоза–қоғоз саноати</b>	<b>447,1</b>	<b>107,1</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>2188,6</b>	<b>111,9</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>5629,6</b>	<b>104,7</b>
<b>озиқ–овқат саноати</b>	<b>5814,1</b>	<b>113,1</b>
<b>Истеъмол маҳсулотлари</b>	<b>14926,3</b>	<b>111,0</b>
<b>шу жумладан:</b>		



	млрд. сўм	2010 й. январ–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ–овқат маҳсулотлари	6608,9	113,8
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	8317,4	108,8

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	2011 йил январ–декабр	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
--	--------------------------	--

**Ёқилғи–энергетика саноати**

Электроэнергия, млрд. кВт. соат	52,4	101,3
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	18,5	100,9
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	3,6	92,3
Бензин, минг тн	1308,2	93,4
Кўмир, минг тн	3844,0	105,9
Мойлаш ёғлари, минг тн	260,3	103,3
Суюлтирилган газ, минг тн	258,5	98,7

**Қора металлургия**

Пўлат, минг тн	746,0	102,0
Тайёр прокат, минг тн	709,9	102,6
Пўлат қувурлар, минг тн	85,7	120,8
Листланган пўлат профиллари, минг тн	20,2	115,8
Сирланган пўлат идишлар, минг тн	2,2	134,8

**Кимё ва нефт–кимё саноати**

Сунъий аммиак, минг тн	1294,3	96,3
Минерал ўғитлар, минг тн	1171,7	103,3
Каустик сода, минг тн	24,5	106,1
Полиэтилен, минг тн	131,8	102,0
Кимёвий тола ва иплар, тн	16530,8	103,4
Калцинацияланган сода, минг тн	97,8	108,2
Метанол ректификат, тн	7795,6	133,6
Полиэтилен плёнка, тн	1160,6	101,6
Полипропилен қошлар, млн. дона	55,2	113,3
Резинали пойафзал, минг жуфт	1797,0	103,7

	2011 йил январ–декабр	2010 йил январ–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Хлор кислотаси, минг тн	42,6	125,4
Термопласт қувурлари ва қувур йўли қисмлари, минг тн	11,7	126,9
<b>Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати</b>		
Енгил автомобиллар, минг дона (махсуслардан ташқари)	221,4	102,1
Махсус автомобиллар, дона	577	72,9
Юк автомобиллар, дона	839	100,8
Автобуслар, дона	964	76,0
Ғаллани ўриб–йиғиб оладиган комбайнлар, дона	207	121,8
Лифтлар, дона	124	5,2м.
Кўприкли электр кранлар, дона	35	152,2
Компрессорлар, дона	80	195,1
Аккумуляторлар, минг дона	452,9	112,8
Экскаваторлар, дона	39	39,0м.
Трактор сеялкалари, дона	651	2,7м.
Трактор плуглари, дона	172	134,4
Ўраш учун ишлатиладиган симлар, тн	119,1	104,5
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	19140	101,3
Кучланиш трансформаторлари, минг кВт.	2983	193,2
Кучланиш кабеллари, км	21869	112,5
Блокировка сигнал кабеллари, км	6239	2,2м.
Резина ичакли симлар, км	11189	185,4
Ўрнатиладиган симлар, км	24160	166,9
Изоляцияланмаган алоқа симлари (троллейли), тн	228	128,1

	2011 йил январ–декабр	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Электр дазмоллар, дона	12003	113,4
Электр чойнаклар, дона	1000	–
Электрни тежовчи лампалар, минг дона	662	105,5
Телефон аппаратлари, дона	1462	–
Компакт–диск проигривателлари, дона	180000	112,5
Теливизорлар, дона	62158	108,1
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>		
Цемент, минг тн	6698	98,5
Бойитилган каолин, тн	24241	142,2
Юмшоқ том ёпиш учун материаллар ва изол, минг кв.м	9318	100,6
Қуруқ қурилиш аралашмалари, минг тн	13,7	196,9
Йиғма темирбетон конструкция ва деталлар, маҳс.минг куб.м	139,2	121,8
Гипсли тош, минг тн	241,6	114,7
<b>Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати</b>		
Тобланган автомобил ойналари, минг кв.м	826,9	137,0
Консерва шиша идишлари, млн.дона	258,3	123,5
<b>Енгил саноат</b>		
Пахта толаси, минг тн	1099,5	98,6
Чигит, минг тн	1614,7	100,4
Ипак тола, тн	166,4	143,4
Кимёвий тола таркибли газлама	1025	102,5
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	68,0	104,9
Тикув маҳсулотлари	52,2	170,6
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	1744,1	3,6м.
Тери маҳсулотлари, минг кв.дм.	9165	–

	2011 йил январ–декабр	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
--	--------------------------	---

**Озиқ–овқат саноати**

Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	11366	105,6
Коньяк, минг дал	95,8	125,0
Шакар, минг тн	322,7	112,8
Ош тузи, тн	30120	106,5
Спиртсиз ичимликлар, млн.дал	23,5	108,3
Минерал сувлар, млн.яримлитр	295	129,4
Нон ва нон маҳсулотлари, минг тн	37,2	145,5
Ўсимлик ёғи, минг тн	226,6	97,1
Гўшт консервалари, туб	3270	6,0м.
Маргарин маҳсулотлари, тн	13611	119,3
Болалар истеъмоли учун куритилган сут аралашмалари, тн	1193	2,2м.
Сут ва сут маҳсулотлари, тн	17327	107,7

**Ун–ёрма ва омихта ем саноати**

Ун, минг тн	1470,8	119,3
Омихта ем, минг тн	908,8	103,2

**Тиббий**

Дори дармон, млн.сўм	130096,7	142,7
Бир марта фойдаланиш учун шприц– лар, млн.дона	69,7	2,0м.
Бир марта фойдаланиш учун система– лар, минг дона	2349	2,2м.

**Бошқа тармоқлар**

Целлюлоза, тн	5501	139,2
Мактаб дафтарлари, минг дона	34130	2,2м.
Тоза қогоз моллари, млн.сўм	14656,3	3,3м.
Бланкалар, млн.сўм	2011,7	124,1

## Қишлоқ хўжалиги

2011 йилнинг январ–декабрида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 19633,6 млрд. сўмни ёки 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 11347,4 млрд. сўмни (106,0 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 8286,2 млрд. сўмни (107,6 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг улуши 63,7 фоизни (2010 йилнинг январ–декабрида 62,9 фоизни), фермер хўжалиklarининг улуши 34,1 фоизни (35,0 фоизни), қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,2 фоизни (2,1 фоизни) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 57,8 фоизни (2010 йилда 59,4 фоизни) ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2011 йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3601,2 минг гектар майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1607,4 минг гектарни ёки 2010 йил январ–декабрига нисбатан 95,8 фоизни, шу жумладан буғдой экин майдони 1432,6 минг гектарни (97,7 фоизни) ташкил қилди

Пахта экин майдони 1329,2 минг гектарни ёки 2010 йил январ–декабрига нисбатан 99,0 фоизни ташкил этди.

Картошка экин майдонлари 4,1 фоизга, сабзаёт экин майдони 1,4 фоизга ўсди, шу билан бирга полиз экин майдони 4,1 фоизга, озуқа экинлари майдони 1,9 фоизга қисқарди.

2011 йил январ–декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7140,1 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шу жумладан 6703,1 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 6526,7 минг тоннаси буғдойни ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий донли экинлар ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2011й. январ–декабр	
	минг тонна	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	7140,1	100,0
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	6703,1	93,9
шундан:		
буғдой	6526,7	91,4
дон учун маккажўхори	256,1	3,6
шоли	119,7	1,7
бошқалар	61,2	0,8

Ҳисобот даврида 1862,4 минг тонна картошка (2010 йилга нисбатан 10,0 фоизга кўп), 6993,7 минг тонна сабзаёт (10,2 фоизга), 1294,7 минг тонна полиз экинлари (9,5 фоизга), 1871,1 минг тонна мева ва резаворлар (9,4 фоизга) ва 1090,2 минг тонна узум (10,4 фоизга) йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,2 фоизни ташкил этди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 548,8 минг бошга (6,0 фоизга) кўпайди ва 9642,5 минг бошни ташкил этди.

Сигирлар бош сони 114,6 минг бошга (3,0 фоизга), қўй ва эчкилар 846,6 минг бошга (5,5 фоизга), паррандалар 4997,9 минг бошга (13,2 фоизга) кўпайди.

Республиканинг барча ҳудудларида, барча тоифадаги хўжаликлар бўйича йирик шохли қорамоллар, шундан сигирлар, қўй ва эчкилар, паррандалар сони ошди.

Деҳқон хўжалиklarининг улушига йирик шохли қорамоллар умумий сонида 93,7 фоизи, сигирларнинг 94,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг

80,5 фоизи, чўчқаларнинг 79,5 фоизи, паррандаларнинг 60,3 фоизи, фермер хўжалиklarига эса йирик шохли қорамолларнинг 5,3 фоизи, сигирларнинг 4,5 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 7,4 фоизи, чўчқаларнинг 8,5 фоизи, паррандаларнинг 11,6 фоизи тўғри келади.

2011 йилда барча тоифадаги хўжалиklarда 1564,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2010 йилга нисбатан 7,0 фоизга кўп), 6766,2 минг тонна сут (9,7 фоизга кўп), 3441,7 млн. дона тухум (12,5 фоизга кўп), 28,7 минг тонна жун (8,2 фоизга кўп), 1022,3 минг дона қоракўл тери (9,3 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2010й. январ–декабр	2009 йил январ–декабрга нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1564,2	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжалиklари	41,0	108,3
деҳқон хўжалиklари	1481,6	106,7
қишлоқ хўжалик корхонала-ри	41,6	121,1
Сут, минг тн.	6766,2	109,7
шу жумладан:		
фермер хўжалиklари	230,1	112,3
деҳқон хўжалиklари	6494,6	109,6
қишлоқ хўжалик корхонала-ри	41,5	114,7



	2010й. январ–декабр	2009 йил январ–декабрга нисбатан фоизда
Тухум, млн. дона	3441,7	112,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	374,5	130,0
деҳқон хўжаликлари	1875,5	105,6
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	1191,7	119,8
Жун, тн.	28687,0	108,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1938,0	113,0
деҳқон хўжаликлари	24198,0	110,2
қишлоқ хўжалик корхоналари	2551,0	89,7
Қоракўл тери, минг дона	1022,3	109,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	43,4	98,4
деҳқон хўжаликлари	643,6	101,8
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	335,3	129,6

Деҳқон хўжалиklarининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,7 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 54,5 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 84,4 фоизни, қоракўл териси ишлаб чиқаришда 63,0 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2011 йилнинг январ–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари ҳажми 6702,3 млрд.сўмни ёки 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 104,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 34,1 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarига бириктирилган умумий ер майдони 5841,0 минг гектарни ташкил қилди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 507,2 минг бошни, шу жумладан сигирлар 174,0 минг бошни, қўй ва эчкилар 1203,3 минг бошни, паррандалар 4974,2 минг бошни ташкил қилди.

2011 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар 5,5 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоизга), шу жумладан сизирлар 1,4 минг бошга (0,8 фоизга), қўй ва эчкилар 53,4 минг бошга (4,6 фоизга), паррандалар 1015,6 минг бошга (25,7 фоизга) кўпайди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши қуйидагича ифодаланади:

	2011й.		2010й. нисбатан фоизда
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Донли экинлар	5752,2	80,6	94,8
Пахта	3483,5	99,5	102,9
Картошка	397,7	21,4	118,2
Сабзаётлар	2474,4	35,4	111,7
Полиз экинлари	653,6	50,5	109,7
Мевалар	890,3	47,6	109,0
Узум	608,0	55,8	109,2
Гўшт	41,0	2,6	108,3
Сут	230,1	3,4	112,3
Тухум, млн. дона	374,5	10,9	130,0
Жун, тонна	1938,0	6,8	113,0
Қорақўл, минг дона	43,4	4,2	98,4

## Инвестициялар ва қурилиш

2011 йилнинг январ–декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларидаги эквивалент ҳажми

10,7 миллиард долларни ёки 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 112,5 фоизни ташкил қилди.

2011 йилнинг январ–декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 18291,3 млрд.сўмга тенг бўлди.

2011 йилнинг январ–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

**яқунга нисбатан фоиз ҳисобида**

	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича						
	жами инвестициялар, млрд. сўм	давлат бюджети маблағлари	суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондалар маблағлари <sup>1</sup>
Жами	18291,3	6,0	0,5	50,2	25,1	11,1	7,1
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	3975,1	25,2	2,0	37,5	14,3	1,4	19,6
нодавлат	14316,2	0,7	–	53,8	28,1	13,7	3,7

2011 йилнинг январ–декабрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича:

умумий  
млрд. сўм      ҳажмга нисбатан  
фоизда

<sup>1</sup>) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
<b>Жами</b>	<b>18291,3</b>	<b>100,0</b>
<b>Ишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>12917,4</b>	<b>70,6</b>
<b>саноат</b>	<b>5980,0</b>	<b>32,7</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>ёқилғи–энергетика саноати</b>	<b>2780,4</b>	<b>15,2</b>
<b>металлургия</b>	<b>746,3</b>	<b>4,1</b>
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	<b>186,9</b>	<b>1,0</b>
<b>машинасозлик</b>	<b>761,8</b>	<b>4,2</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>664,9</b>	<b>3,6</b>
<b>озиқ–овқат саноати</b>	<b>270,6</b>	<b>1,5</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>275,1</b>	<b>1,5</b>
<b>қишлоқ хўжалиги</b>	<b>846,5</b>	<b>4,6</b>
<b>қурилиш</b>	<b>472,1</b>	<b>2,6</b>
<b>транспорт ва алоқа</b>	<b>4316,0</b>	<b>23,6</b>
<b>савдо</b>	<b>742,6</b>	<b>4,1</b>
<b>геология ва ер ости бойликларини   излаш</b>	<b>328,3</b>	<b>1,8</b>
<b>бошқалар</b>	<b>231,9</b>	<b>1,2</b>
<b>Ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>5373,9</b>	<b>29,4</b>
<b>уй–жой қурилиш</b>	<b>3243,4</b>	<b>17,7</b>
<b>коммунал хўжалик</b>	<b>292,8</b>	<b>1,6</b>
<b>соғлиқни сақлаш</b>	<b>433,8</b>	<b>2,4</b>
<b>таълим</b>	<b>379,3</b>	<b>2,1</b>

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
маданият ва санъат	192,9	1,1
бошқалар	831,7	4,5

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 12917,4 млрд. сўми ёки 70,6 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 5373,9 млрд.сўми ёки 29,4 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 3243,4 млрд.сўми уй–жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 60,4 фоизни ташкил этди.

2011 йилнинг январ–декабрида умумий майдони 9236,7 минг кв. м. бўлган 72,8 мингта уй ёки 73,9 мингта хонадон (2010 йил

январ–декабрига нисбатан 104,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 7051,6 минг кв.м. (105,4 фоиз) уй–жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй–жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» ПҚ–1167 – сонли қарорига мувофиқ 2011 йил январ–декабр ойларида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1070,7 минг кв.м. га тенг

7362 та уйлар (2010 йилдан ўтиб келаётганини ҳисоблаган ҳолда) қуриб фойдаланишга топширилди, уларнинг қурилишида 558,4 млрд.сўмлик инвестициялар, жумладан Қишлоқ қурилиш банк кредитлари ҳисобидан 345,0 млрд.сўм (умумий ҳажмга нисбатан 61,8 фоизда) ўзлаштирилди.

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан таълим объектларининг қурилишига 379,3 млрд. сўм (умумий ҳажмга нисбатан 7,1 фоиз), коммунал қурилишга 292,8 млрд. сўм (5,4 фоиз), соғлиқни сақлаш объектларининг қурилишига 433,8 млрд. сўм (8,1 фоиз), сарфланди.

Академик–лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 31,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,6 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 8,5 фоизини ташкил қилди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуришга ва капитал қайта таъмирлашга 146,8 млрд. сўмлик, бошқа соғлиқни сақлаш объектларига 11,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 33,8 ва 2,6 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 132,9 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 61,3 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 46,1 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 28,9 млрд. сўм (21,7 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобига 14,8 млрд. сўм (11,1 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 12,0 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 12,0 млрд. сўм (100,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2011 йилнинг январ–декабрида 9438,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 108,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 78,8 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 19,7 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,5 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**



### Транспорт

Юк ташиш. 2011 йилнинг январ–декабрида барча транспорт турлари томонидан 1269,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 108,7 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан 6,8 фоизга ўсди ва 80,9 млрд.тн–км.ни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2011 й. январ–декабр	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	1269,0	108,7
темир йўл транспортида	59,6	104,8
автомобил транспортида	1149,4	108,8


	2011 й. январ–декабр	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
ҳаво транспортида, минг тн	30,6	103,8
қувур йўллари орқали	59,9	111,5
Юк айланмаси, млн. тн–км	80850,0	106,8
темир йўл транспортида	22533,2	101,1
автомобил транспортида	26050,2	107,0
ҳаво транспортида	162,4	96,7
қувур йўллари орқали	32104,2	111,1

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига  
нисбатан фоиз ҳисобида

---





2011 йил январ–декабрида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2010 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>59631,9</b>	<b>104,8</b>
<b>шу жумладан:</b>		
тошкўмир	2711,1	97,7
нефт маҳсулотлари	13194,2	94,3
қора металллар	946,7	91,9
қора метал темир–терсаклари	910,3	92,1
кимёвий ва минерал ўғитлар	4936,7	107,4
қурилиш материаллари	7271,5	113,2
цемент	4245,5	68,8
ёғоч–тахта материаллари	102,8	87,5
дон ва янчилган дон маҳсулотла– ри	1414,0	94,4

Автомобил транспортида 1149,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2010 йил январ–декабрига нисбатан 8,8 фоизга кўпдир. Юк айлан–маси 26,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 7,0 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2010 йил январ–декабр даражасидан 8,7 фоизга кўпайди ва 19,2 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 73,7 фоизни (2010 йил январ–декабрида – 72,6 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 30,6 минг тонна юк жўнатилиб, 2010 йил январ–декабрига нисбатан 3,8 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 3,3 фоизга камайди ва 162,4 млн.тн–км.ни ташкил қилиди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 32,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2010 йил январ–декабрига нисбатан 11,1 фоизга кўпайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 6341,8 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йил январ–декабрига нисбатан 5,9 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 7,7 фоизга кўпайиб, 59,8 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2011й.	2010й. нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчи–лар, млн. киши	6341,8	105,9
темир йўл транспортида	14,9	102,7
автомобил транспортида	6244,9	106,3
ҳаво транспортида	2,2	111,5
шаҳар электр транспортида	79,8	85,9
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	82369,7	107,8
темир йўл транспортида	3039,4	104,6
автомобил транспортида	72545,4	108,1
ҳаво транспортида	6245,7	108,3
шаҳар электр транспортида	539,2	90,2

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,5 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,0 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 2,7 фоизга ошди ва 14,9 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 4,6 фоизга ошди ва 3039,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 2143,6 мингта йўловчи ташилди, бу 2010 йил январ-декабрига нисбатан 11,5 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса 6245,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, 8,3 фоизга кўпайди.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2011 йил январ-декабрда чакана товар айланмаси 28357,0 млрд. сўмни ёки 2010 йил январ-декабрига нисбатан 116,4 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 49,0 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 51,0 фоизни ташкил қилди (2010 йил январ-декабрида мос равишда – 48,4 ва 51,6 фоиз).

2011 йил январ-декабрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2010й. январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>28357,0</b>	<b>116,4</b>
давлат мулки	62,3	199,2
нодавлат мулки	28294,7	116,3
<b>шундан:</b>		
фуқароларнинг хусусий мулки	21375,2	125,0

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 11342,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2010 йил январ-декабрига нисбатан 7,3 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 40,0 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 25,6 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 33,0 фоизга ошди ва 11270,4 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 39,7 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 5744,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2010 йил январ–декабрига нисбатан 8,0 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 20,3 фоизни ташкил қилди.

2011 йил январ–декабрда чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>28357,0</b>	<b>116,4</b>	<b>100,0</b>
савдо корхоналари	11342,0	107,3	40,0
бозорлар	17015,0	123,3	60,0
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	5744,6	108,0	20,3
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	11270,4	133,0	39,7

2011 йилнинг январ–декабрида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 10557,3 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2010 йил–нинг январ–декабрига нисбатан 116,1 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 64,7 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 6827,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва 17,0 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,3 фоизга ўсиб, 3729,6 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 35,3 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 81,7 фоизни ташкил қилди.

2011 йил январ–декабрда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>10557,3</b>	<b>100,0</b>
давлат мулки	1928,0	18,3
нодавлат мулки	8629,3	81,7
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	4046,7	38,3

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 10,7 фоизни ёки 1129,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ўсиш суръати

2010 йил январ–декабрига нисбатан 25,3 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 88,8 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 1003,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва 26,0 фоизга ошди.

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ҳажми 41083,3 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 9749,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 23,7 фоизини ташкил қилди. 2010 йилнинг январ–декабрига нисбатан хизматлар ҳажмининг реал ўсиш суръати 13,2 фоизни ташкил этди.

2011 йил январ–декабрда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>41083,3</b>	<b>113,2</b>	<b>100,0</b>

шу жумладан асосий турлари

	млрд. сўм	2010 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>бўйича:</b>			
Савдо ва овқатланиш хизматлари	8607,5	118,6	20,9
Транспорт хизматлари	12350,3	104,1	30,1
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда	2630,0	139,9	6,4
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда	3507,2	118,6	8,5
Туризм–саёҳат хизматлари	64,1	127,3	0,2
Меҳмонхона хизматлари	112,4	106,5	0,3
Коммунал хизматлар	4781,0	99,9	11,6
Маиший хизматлар	534,5	120,9	1,3
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	367,7	118,9	0,9
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини қўшган ҳолда	8128,6	118,5	19,8

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда, (139,9 фоиз), туризм ва экскурсия хизматлари (127,3), маиший хизматлар (120,9 фоиз), автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш (118,9 фоиз), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда ва ички савдо

ва овқатланиш хизматлари (118,6 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 30,1 фоизи), савдо ва овқатланиш (20,9 фоизи), коммунал (11,6 фоизи), молиявий, микрокредитларни қўшган ҳолда (8,5 фоизи) ва алоқа ва ахборотлаштириш (6,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.

### Аҳоли омонатлари

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахслар – резидентларнинг сўм ва валюта ҳисобварақларидаги омонатлари ҳажми 3276,6 млрд.сўмни ташкил қилди ва 2011 йил бошига нисбатан 30,1 фоизга (758,9 млрд.сўм) кўпайди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига жисмоний шахсларнинг валюта ҳисобварақларидаги жамғармаларининг сўмдаги эквиваленти 567,3 млрд.сўмни ташкил қилди (жами омонатлар ҳажмининг 17,3 фоизи) ва 33,0 фоизга кўпайди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
<b>Жами</b>	<b>3276,6</b>	<b>567,3</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>шундан:</b>				
Халқ банки	776,9	23,9	23,7	4,2
Агробанк	494,8	2,0	15,1	0,4
ТИФ Миллий банки	396,2	114,8	12,1	20,2
Асака банк	264,3	91,5	8,1	16,1
Ўзсаноатқурилишбан	215,7	16,8	6,6	3,0

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида а	жами	шу жумладан чет эл валютасида а
<b>к</b>				
Қишлоқ қурилиш банк	214,7	0,8	6,6	0,1
Ипотека–банк	193,6	4,1	5,9	0,7
Капиталбанк	144,0	125,5	4,4	22,1
Ҳамкорбанк	128,3	81,9	3,9	14,4
Ипак йўли банк	110,5	37,4	3,4	6,6
Алоқабанк	72,7	2,4	2,2	0,4
Микрокредитбанк	59,7	6,5	1,8	1,1
Туронбанк	57,7	22,6	1,8	4,0
Трастбанк	24,3	2,3	0,7	0,4
Савдогарбанк	22,9	1,0	0,7	0,2
Кредит–стандарт банк	19,1	1,7	0,6	0,3
Orient finance	13,3	11,7	0,4	2,1
ЎзҚДБ банк	12,9	11,4	0,4	2,0
Инвест финанс банк	10,4	2,4	0,3	0,4
Туркистон банк	7,5	0,0	0,2	–
RBS O`zbekiston MB	6,0	3,4	0,2	0,6
Равнақ банк	5,7	0,0	0,2	–
Универсал банк	5,7	0,4	0,2	0,1



	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
Бошқалар	19,7	2,8	0,6	0,5

### Микрокредит ташкilotларининг фаолияти


Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкilotлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра республикада 34 та микрокредит ташкilotлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Микрокредит ташкilotларининг жами активлари ҳажми 20,0 млрд.сўмни ташкил қилди.

2011 йилда кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажми 111,0 млн.сўмни ташкил этди.

2011 йилда республикадаги микрокредит ташкilotлари томонидан 36,3 млрд.сўмлик микрокредит ва микроқарз бериш бўйича хизматлар кўрсатилди. Улардан жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар 33,0 млрд.сўмни (умумий ҳажмига нисбатан 90,8 фоиз), юридик шахсларга берилган микрокредитлар – 3,3 млрд.сўмни (9,2 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодиёт секторлари бўйича берилган микрокредитлар қуйидагича ифодаланади:

## 2011 йилда юридик шахсларга тақдим этилган микрокредитлар



## Нарх ва тарифлар

### Январ–декабрда нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши (нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртача ойлик даражаси		декабр оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2010й.	2011й.	2010й.	2011й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	7,3	7,6
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,3	1,6	16,4	20,4
Юк ташиш тарифларининг индекси	1,9	2,4	25,0	33,1
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,4	0,4	5,3	4,4

**Январ–декабрда саноат тармоқлари бўйича  
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2010й.	2011й.
<b>Жами</b>	<b>116,4</b>	<b>120,4</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>электроэнергетика</b>	<b>113,0</b>	<b>119,4</b>
<b>ёқилғи саноати</b>	<b>110,7</b>	<b>125,0</b>
<b>қора металлургия</b>	<b>111,7</b>	<b>106,8</b>
<b>рангли металлургия</b>	<b>109,4</b>	<b>109,3</b>
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	<b>117,2</b>	<b>120,1</b>
<b>машинасозлик ва металлсоз–     лик</b>	<b>116,7</b>	<b>119,1</b>
<b>ёғочни қайта ишлаш     ва целлюлоза–қоғоз саноати</b>	<b>123,2</b>	<b>117,9</b>
<b>қурилиш материаллари     саноати</b>	<b>120,8</b>	<b>121,5</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>126,9</b>	<b>119,0</b>
<b>озиқ–овқат саноати</b>	<b>119,2</b>	<b>130,8</b>
<b>ун–ёрма саноати</b>	<b>116,0</b>	<b>124,1</b>

**Январ–декабрда транспорт турларида  
юк ташиш тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2010й.	2011й.
<b>Юк транспорти – жами</b>	<b>125,0</b>	<b>133,1</b>
<b>шу жумладан:</b>		

	2010й.	2011й.
темир йўл транспорти	118,8	152,0
автомобил транспорти	112,4	128,9
ҳаво транспорти	97,8	110,1
қувур йўллари	129,8	126,1

**Январ–декабрда юридик шахслар учун  
алоқа хизматлари тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2010й.	2011й.
Жами хизматлар	105,3	104,4
шу жумладан:		
почта алоқаси	115,4	100,0
шаҳар телефон алоқаси	103,8	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	107,8	134,8
уяли алоқа	108,4	109,2

**Демографик ҳолат**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига доимий аҳоли сони 29559,1<sup>\*)</sup> минг кишини ташкил қилди ва 2011 йилнинг бошига нисбатан 435,7 минг кишига ёки 1,5 фоизга кўпайди. Шундан 51,0 фоиз аҳоли ёки 15069,6 минг киши шаҳар ва 49,0 фоиз аҳоли ёки 14489,5 минг киши қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Январ–декабрда аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2010 йил	2011 йил
Туғилганлар	22,4	21,4
Ўлганлар	4,9	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар <sup>**)</sup>	11,0	10,8
Никоҳлар	10,3	9,8
Ажралишлар	0,6	0,6

Туғилиш даражаси. 2011 йилнинг январ–декабрида туғилиш коэффиценти 21,4 промиллени ташкил қилди ва 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 промиллега камайди.

Ўлим даражаси. Ҳисобот даврида ўлим коэффиценти 4,9 промиллени ташкил қилди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,3 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,1 фоизи ўсма касалликларидан, 6,1 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 6,1 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 5,8 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2011 йилнинг январ–декабрида бир ёшга тўлмасдан ўлган болалар сони 6,7 мингтани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими коэффиценти 2010 йил январ–декабрдаги 11,0 промилледан 10,8 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмасдан ўлган болалардан 48,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 33,7 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 7,4 фоизи туғма аномалиялардан ва

<sup>\*)</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги 71–сонли “Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора–тадбирлари тўғрисида” Қарорига мувофиқ ўтказилган кузатув маълумотлари асосида

<sup>\*\*)</sup> ҳар 1000 та туғилганга

4,7 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. 2011 йилнинг январ–декабрида ФХДЁ органларида 289,0 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 18,2 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 9,8 та (2010 йил – 10,3 та) никоҳ ва 0,6 та (2010 йил – 0,6 та) ажралишлар тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2011 йилнинг январ–декабр ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 135,9 минг кишини ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисобланганда аҳоли кўчиб келиши даражаси 2010 йилнинг шу даврига нисбатан

5,0 промилледан 4,6 промиллега камайган. 2011 йил январ–декабр ойларида кўчиб кетганлар сони 182,4 минг кишини ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисобланганда аҳоли кўчиб кетиши даражаси 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 промилледан 6,2 промиллега камайган.

Миграция қолдиғи минус 46,5 минг кишини (2010 йилнинг шу даврида минус 44,1 минг киши) ташкил қилди.